







Мушоҳада

Китоблар фарзандларимизни қизиқтира олиши керак

Болалик даврида теварак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар инсон онгида умр бўйи сақланиб қолади. Муқова, суратлар эндигина тетапога қилаётган болаларда уйғотган таассурот уларнинг руҳий оламига бойитишга бир умр хизмат қилиши исботланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қароридан болалар китобхонлигини арзон нархларда етказиб бериш лозимлигига эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрда имзоланган "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунидан боланинг ёшига ҳисобга олган ҳолда китоб нашр қилиш лозимлиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрда имзоланган "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунидан боланинг ёшига ҳисобга олган ҳолда китоб нашр қилиш лозимлиги белгилаб қўйилди.

Ўтган йили Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 150 дан ортиқ номда китоб ва китоб маҳсулотлари чоп этилди. Бадий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, ўқув қўлланмаларнинг 70 таси бевосита болаларнинг дунёқараши, интеллектуал соҳиятини оширишга хизмат қиладиган нашрлар сирасига киради.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 12 майда имзоланган "Буёқ алломлар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарор буюқ ажодларимиз адабий ва илмий меросини чуқур ўрганишда муҳим қадам бўлди.

Даврон УЛУҒМУРОДОВ, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири.

“Ёш китобхон”: КЕЙИНГИ БОСҚИЧЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимизнинг барча худудида "Ёш китобхон" республика кўрик-танловининг саралаш bosқичлари ўз ниҳоясига етди.

Президентимизнинг 2018 йил 12 майдаги "Буёқ алломлар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида уюштирилган ушбу тадбирдан қўзланган мақсад улуғ ажодларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ҳақда умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштиришдир.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ахборот хизмати маълумотларига кўра, "Ёш китобхон" танловининг худудий bosқичларида иштирок этиш учун 720 миң нафарга яқин ёшлар мурожаат қилган. Саралашда уч ёш тоифаси бўйича жами 5 миң 55 нафар қатнашчи танловнинг иккинчи bosқичига йўланмани қўлга киритган. Галдаги интеллектуал беллашувлар июль ойининг учинчи ўн кунлиги ҳамда август ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

Андижон томонларда

«Хонобод» санаторийси фойдаланишга топширилди

Андижон вилоятида "Хонобод" санаторийсида қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Денгиз сатҳидан 850 метр баландликда барпо қилинган мажмуа сайёҳларни ҳам ўзига жалб этади. Бу ерда турли касалликларни даволашга хизмат қилувчи 5 та асосий корпус билан бир қаторда, универсал спорт мажмуаси ҳам мавжуд.

Ташаббус кўрсатган қўллаб-қувватланади

Андижон шаҳрида бўлиб ўтган "Тадбиркорлик ва бандлик" ярмаркасида 3,5 миңдан зиёд ёшлар иштирок этди.

— Шахсан мен 130 та янги иш ўрнига эга бўлган ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш лойиҳаси билан мурожаат қилдим, — дейди "Мард ўғлон" мукофоти соҳибини Шаҳризода Мусабоева. — Режамизни амалга ошириш учун вилоят ҳокими имтиёзли кредит ажратишда амалий ёрдам берди. Тез орада ногиронлиги бўлган шахслар учун арава, скутер ва диодли ёриткичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

"Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан Андижон вилоятида ёшлар ўртасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 74 миңга яқин 394 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилади. Унинг натижасида 9,5 миңта иш ўрни яратилади. Кўрсатилган бундай эътибор туфайли ёш тадбиркорлар 18 миңга яқин сўм миқдорда соф фойда олишлари кўзда тутилган.

Тадбирда вилоят ҳокими Ш. Абдурахмонов иштирок этди.

Саманжон ҲУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Молия муассасаларида Филиалда бир кун

Яқинда пойтахтимизда "Ўзмиллибанк" Тошкент шаҳар бош бошқармаси ташаббуси билан "Филиалда бир кун" акцияси ўтказилди. Яъни акция туфайли бош бошқарманинг раҳбар ва мутахассислари иш кунларини ўзларининг одатдаги хизмат хоналарида эмас, балки Яшнобод, Юнусобод ҳамда Олмазор туманларидаги филиалларида бошлашди. Бунда улар "фронт-офислар", валюта операциялари ва пластик картчалар бўлимларининг оддий ходимлари сифатида фаолият юритишди.



Айтиш жоизки, банк тизимидаги ушбу ташаббус бутунлай янгилик эди. Дастлабки дақиқаларда у филиаллар ходимларининг хайратига сабаб бўлди. Тўғриси, "юқоридан" келган меҳмонлар қандайдир эҳтиёткорлик билан кутиб олинди.

Аммо ҳамкорликда иш давом этгач, хайрат ўрнига бир-бирини тушуниш, ишчанлик муҳити қарор топди. Шаҳар бош бошқармасидан келган ҳамкасблар филиаллардаги иш тартиби, ҳаракатлар изчиллиги билан танишишгач, мазкур муассасалар ходимлари билан елкама-елка туриб, вазибаларни бажара бошлашди.

Уша кунни Яшнобод филиалининг юридик шахслар билан ишлаш бўлими ходими Малика Абдуллаева ўз ўрнини Тошкент шаҳар бош бошқармасининг кредитлаш бошқармаси бошлиғи Мурод Набиева бўшатиб берди. Бошлиқ юридик шахсларнинг ҳисоб рақамига оид амалиётларни моҳирлик билан бажарди, тўлов ҳамда инкасса топшириқномаларини қабул қилди, "Банк-мижоз" тизимида ўтказмаларни амалга оширди ва тўлов талабномаларини тўлдирди.

— Филиал менга жуда ёқди, — дейди М. Набиев. — Ходимлар самимий ва миждозларга эътиборли эканлар. Экспериментда қатнашиб, бундай акциялар фойдали эканига амин бўлдим. Шу каби тадбирлар доирасида филиалларга тез-тез чиқиби туришни хоҳлаган бўлардим. Ўз бошқармада шундай тажрибани йўлга қўймоқчиман.

Банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси мутахассислари филиалдаги иш жараёнига чуқур кириб бора эканлар, унинг самардорлигига баҳо бериб, ечимини кутаётган муаммоларини ҳам аниқлаб олишди. Ҳўш, филиаллар ходимлари бу ҳамкорлик нима берди? — Ақция қўтилмаган янгилик бўлди, лекин у жуда

фойдали, — дейди Яшнобод филиалининг чакана амалиётлар бўлими ходими Дилноза Ишматова. — Мен валюта операциялари бўлимининг бошлиғи Шерзод Алимўхамедов билан бирга ишладим. Миждозларга хизмат кўрсатиш давомида бўлиб турган танаффусларда банк омонатлари жошибадорлиги, хизмат кўрсатиш тезлигига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилдик.

Миллий банкнинг Юнусобод филиалида ҳам кун мазмунли ўтди. Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Алимов корпоратив бошқаруви ролида миждозларга қўриқчи бўлиб турган ишнинг кузатиб турди, келувчиларнинг ҳар бир мурожаатига эътиборли бўлди. Бошқарманинг бош ҳисобчиси Фазлиддин Қодиров эса пластик карточка ва ҳисоб рақами очилиш бўйича амалий ишларни бажарди. Пул муомаласи бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Аҳмедов омонатчиларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилди. Юнусобод филиали бош ҳисобчиси Зуфар Зокиров қайд этишича, бу ерда шаҳар бошқармаси раҳбарлари тез-тез келиб туришлари ҳаммага маъқул.

Чунки филиалдаги фаолият жараёнини четдан кузатиш, ўрганиш ва баҳолаш асосида акция иштирокчилари томонидан қимматли тавсия ва маслаҳатлар бериш имкони туғилади.

"Ўзмиллибанк" матбуот хизмати кўмағида Собир АЛИЕВ тайёрлади.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ



ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» МЧЖ бошлангич баҳоси bosқичма-bosқич олиш тартибидан ўтказилган очик аукцион савдоларига таклиф этади. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҚҚББ ҳарбий қисмига қарашли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фаргона йўли кўчаси, 25-уйда сақланаётган кўйидаги автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда.

«TOSHSHARNUR» давлат унитар корхонаси томонидан 2018 йилдан бошлаб пойтахтимизнинг марказий кўчалари, тураржой мавзелари, маҳалла кўчаларидаги мавжуд эски русумдаги ёриткичларни замонавий нурдоғдлик энерготежамкор ёриткичларга алмаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2018 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 621 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.